

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.08/2025.27.12.B.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛОМЖОНОВ ДАВРОН ДИЛШОДОВИЧ

**ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ БАЛИҚЛАРИНИНГ МОРФО-
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА ГЕЛЬМИНТЛАРНИНГ
ТАЪСИРИ**

**03.00.15 – Ихтиология
03.00.06- Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2026

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по биологических наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on biological sciences**

Ғуломжонов Даврон Дилшодович

Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқларининг морфо-биологик
хусусиятлари ва уларга гельминтларнинг таъсири 3

Ғуломжонов Даврон Дилшодович

Морфо-биологические особенности рыб бассейна реки Чирчик и
влияние на них гельминтов 19

Gulomjanov Davron Dilshodovich

Morpho-biological characteristics of fish of the Chirchik River reservoirs
and the effect of helminths on them 37

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.08/2025.27.12.B.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛОМЖОНОВ ДАВРОН ДИЛШОДОВИЧ

**ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ БАЛИҚЛАРИНИНГ МОРФО-
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА ГЕЛЬМИНТЛАРНИНГ
ТАЪСИРИ**

**03.00.15 – Ихтиология
03.00.06 - Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2026

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/B1354 ракам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Феруза Эргашевна

биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Кузметов Абдулахмет Раймбердиевич

биология фанлари доктори профессор

Абдуганиев Ойбек Абдухамидович

биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги PhD.08/2025.27.12.B.02.04 ракамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2026 йил 28 09 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 886944-раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2026 йил 11 09 куни тарқатилди.

(2026 йил 11 09 даги 1-ракамли реестр баённомаси).



Янматов **М.А.Юлдашов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Н.Р.Муллабоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

А.Э.Кучбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича балиқ турлари жуда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг сони ҳар бир давлатнинг географияси, иқлими ва сув экосистемаларига боғлиқдир. “Ҳозирги кунда балиқлар ихтиофаунасининг 34 мингдан зиёд тури мавжуд бўлиб, етакчи ўринларни Австралия (мос ҳолда 5,189 тур), Индонезия (5,014 тур), Бразилия (4,930 тур), Япония (4,294 тур), Хитой (3,838 тур), Филиппин (3,730 тур) ва АҚШ (3,133 тур) эгаллаб келмоқда. Республикамиз сув ҳавзаларида эса 84 тури аниқланган бўлиб, уларнинг паразитлар билан зарарланиш даражаси ортиб бормоқда”. Шу боис, Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида яшовчи балиқларнинг морфо-биологик хусусиятларини комплекс ўрганиш, уларда учрайдиган гельминтлар тур таркибини, зарарланиш даражаси ва экологик омилларга таъсирини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда, дунёда дарё ҳавзасида антропоген омиллар ортаётгани, саноат ва маиший чиқиндилар ҳисобига сувнинг ифлосланиши, гидрологик режимнинг ўзгариши, балиқлар орасида паразитар касалликларни ортиши ва уларга қарши курашиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Вьетнам, Бангладеш, Филиппин, Жанубий Корея, Россия давлатларида чучук сув балиқларининг морфобиологияси, паразитар даражаси ва уларга қарши кураш чоралари, аквақишлоқ хўжалиги (сунъий етиштириш), денгиз аквакультураси ва интенсив, ярим интенсив айланма сув тизимлари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Республикамиз шароитида балиқларнинг ривожланиши, ўсиш суръати, физиологик ҳолати ва популяция барқарорлиги, гельминтозларнинг кенг тарқалиши, паразитар зарарланиш даражасини аниқлаш ва уларга қарши кураш чоралари бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида “Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш, балиқ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ва интенсив технологияларини жорий этиш, мавжуд ҳавзалар имкониятларидан самарали фойдаланиш”¹ белгилаб қўйилган бўлиб, бунда икки йил давомида балиқ етиштириш ҳажмини 500 минг тоннага етказиш, долзарб вазифа сифатида қайд этиб ўтилган. Бу борада, балиқчиликни ривожлантириш, дарё сув ҳавзалари балиқларининг морфо-биологик хусусиятлари, гельминтлар турлари хилма-хиллигининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, гельминто фаунасининг шаклланиш йўллари таҳлил қилиш, балиқлар гельминтозлари профилактикасининг илмий асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майда ПҚ-2939-сонли “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 6 ноябрда ПҚ-4005-сонли “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2022 йил 13 январда ПҚ-83-сонли “Балиқчилик

¹ <https://lex.uz/docs/8050769>

тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2023 йил 18 августдаги ПҚ-281-сонли “Балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ҳавзаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш ҳамда балиқ овлаш ва сув бўйи туризми масканларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Балиқлар морфо-биологик хусусиятлари ва гельминтозлари бўйича хорижий мамлакатларда балиқ паразитларининг биологияси, ҳаёт цикли ҳамда уларнинг хўжайин организмга таъсири масалаларини ёритишга бағишланган бўлиб, мазкур тадқиқотларда балиқ систематикаси, морфологияси, таксономик классификацияси, нематодалари ва бошқа гельминтлар билан зарарланиши (F.Moravec, 1994), паразит-хўжайин муносабатларининг экологияси ва физиологик жиҳатлари бўйича кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилган (C.R.Kennedy, 2009). Австралияда олиб борилган илмий изланишлар балиқ касалликлари, паразитлар билан зарарланиш даражаси ҳамда уларнинг аквакультура тизимида салбий таъсирини баҳолаш масалаларига қаратилган бўлиб, мазкур ишлар амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади (A.H.Weatherley, H.S.Gill, 1987).

МДХ давлатларида дарёлар гидрологияси ва унинг ихтиофаунага таъсири (В.А.Кузнецов, 1980), сув ҳавзаларининг ифлосланиши шароитида балиқлар морфологиясининг ўзгариши (Ж.С.Жадан, 1990), балиқ паразитларининг фаунаси, экологияси, эпизоотологияси ҳамда табиий ва сунъий сув ҳавзаларда тарқалиш қонуниятлари (И.П.Белофастова, 2005; Е.П.Иешко, 2012), балиқларнинг морфобиологияси ва паразитологиясини ривожлантиришда (И.Е.Быховская-Павловская, 1985; В.С.Аниканова, 2007; О.Н.Бауер, 1987; Г.В.Никольский, 1974) тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимизда, Қашқадарё вилояти дарёси ҳавзаларидаги балиқ паразитлари фаунасини (Р.М.Караев, 1975), Ўзбекистоннинг умуртқали трематодалари тур таркиби, тарқалиш йўллари, экологик ва биологик хусусиятлари (Э.Б.Шакарбоев, 2009), Ўзбекистоннинг шимолий – шарқий сув ҳавзаларидаги *Cyprinidae* оиласи балиқларининг гельминтлари (Ф.Э.Сафарова, 2017), Фарғона водийси ҳавзаларида балиқ паразитларини тарқалиши (С.Б.Каримов, 2007; Э.Ҳ.Нажмидинов, 2022), Ўзбекистон сув ҳавзаларининг балиқ паразитлари фаунаси ва уларнинг экологик хусусиятларини (Т.Қ.Курбонов, 2010), Чирчиқ дарёси сув сифатининг экологик таҳлили (Ф.Мамадаев, 2018), Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунаси (А.Қ.Куватов, 2022), Бухоро вилояти сув ҳавзалари балиқлари гельминтларининг экологик - фаунистик тавсифи (Б.Б.Соатов, 2023) Сурхондарё вилояти ҳовуз балиқчилиги шароитида балиқ маҳсулдорлигига

цестодаларнинг таъсири бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган (Чутбаева Ф.Б., 2025).

Бироқ, Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларидаги балиқ турларининг тур таркиби ва популяцион ҳолати, морфометрия кўрсаткичлари ва улар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик, ёш-гуруҳ таркиби, жинсий етуклик даражаси, гельминтлар турлари ва уларнинг локализацияси, паразитлар билан экологик омиллар ўртасидаги боғлиқлик ва балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилган илмий ишлар ҳажми жуда кичик бўлиб, бу йўналишда чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Тошкент давлат аграр университетининг №1-1-2021 рақамли “Хориждан келтирилган қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг иқлимга мослашувчанлик, маҳсулдорлик ва наслдорлик сифатлари (2021-2025 йй.)” мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган балиқ турларининг морфо-биологик хусусиятлари, уларда паразитлик қилувчи гельминтларнинг тур таркиби, зарарланиш даражаси ва гельминтозларнинг тарқалишига таъсир этувчи гидроэкологик омилларни баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган балиқлар тур таркиби ва уларнинг популяция ҳолатини аниқлаш;

балиқларнинг морфометрик кўрсаткичлари (умумий ва стандарт узунлиги, оғирлиги, тананинг баландлиги, бош узунлиги, дум асоси узунлиги, постдорсал масофаси ва индекси) ва ёш-гуруҳ таркибини таҳлил қилиш;

балиқларда учрайдиган гельминтлар тур таркиби, уларнинг локализацияси, зарарланиш экстенсивлиги ва интенсивлигини аниқлаш;

гельминтозлар тарқалиши билан гидроэкологик омиллар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш ва экологик-паразитологик жиҳатдан баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг ўрта ва қуйи оқимларида тарқалган асосий ихтиофаунани акс эттирувчи 6 тур: зоғора балиқ *Cyprinus carpio* (Linnaeus, 1758), кумуш товон балиқ *Carassius gibelio* (Bloch, 1782), қизил кўз *Rutilus rutilus* (Linnaeus, 1758), оқ амур *Ctenopharyngodon idella* (Valenciennes, 1844), оқ дўнгпешона *Hypophthalmichthys molitrix* (Valenciennes, 1844) ва оқча *Abramis brama* (Linnaeus, 1758) балиқлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида балиқларнинг морфо-биологик кўрсаткичлари (морфометрия, ёш-гуруҳ таркиби, биологик ривожланиш параметрлари) ҳамда уларда учрайдиган паразитлар билан зарарланиш даражаси (экстенсивлиги, интенсивлигини) ва паразитлар таъсирининг биологик оқибатлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида стандарт ихтиологик, паразитологик ва гидробиологик усуллардан фойдаланилди. Бунда: балиқларни намуна сифатида йиғиш, турлар бўйича идентификация қилиш,

уларнинг морфологик ва биологик кўрсаткичларини ўлчаш ва қайд этиш; паразитологик текширув орқали гельминтлар тур таркибини аниқлаш, микроскопик таҳлиллар ўтказиш, сув муҳитининг гидрокимёвий кўрсаткичларини (харорат, pH, кислород миқдори, ифлосланиш белгилари ва ҳ.к.) ўлчаш, олинган экспериментал маълумотларга биостатистик ишлов бериш, корреляция ва дисперсия таҳлили, ўртача қийматлар ва ишонч интервалларини аниқлаш каби услублар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг ўрта ва қуйи оқимларида овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқларнинг 6 та тури, уларнинг популяцион таркиби: кумуш товон балиқ (*Carassius gibelio*) ўртача 29,7 %, оқ дўнгпешона балиқ (*Hypophthalmichthys molitrix*) 23,7 %, оқ амур (*Ctenopharyngodon idella*) 16,3 %, зоғора балиқ (*Cyprinus carpio*) 12,4 %, оқча балиқ (*Abramis brama*) 10,5 % ва қизил кўз (*Rutilus rutilus*) 7,4 %.ни ташкил этиши аниқланган;

морфометрия кўрсаткичлари энг юқори оқ дўнгпешона балиғида умумий тана узунлиги $54,0 \pm 1,4$ см, стандарт узунлиги $44,8 \pm 1,2$ см, бош узунлиги $9,4 \pm 0,3$ см, дум асоси баландлиги $6,3 \pm 0,2$ см, постдорсал масофаси $14,2 \pm 0,4$ см умумий вазни $3330,0 \pm 22,4$ гр ва Q/L индекси 61,7 га тенг бўлиб, ёш-гуруҳ таркиби бўйича кичик танали турлар қизил кўз (1+ улуши 52,1%), кумуш товон (49,3%), оқча (46,3%) 1+ ёшда, катта морфотипли турлар оқ амур (62,2%), оқ дўнгпешона (57,9%), зоғора балиқ (49,0%), 2+ ёки 3+ ёшда жинсий етуклик даражасига етиши аниқланган;

балиқларда 8 турдаги паразитлар топилган ва уларнинг локализацияси жабра япроқларида (*Clinostomum complanatum*, *Dactylogyrus auriculatus*), кўз олмасида (*Diplostomum clavatum*), жабра (вояга етганлари) ва ичакларда (метацеркариялари) (*Rhipidocotyle illense*), ичакда (*Bothriocephalus acheilognathi*), тана бўшлиғи ҳамда ички аъзоларда (*Ligula intestinalis*, *Contracaecum squalii*, *Acanthocephalus anguillae*) аниқланиб, энг юқори экстенсивлик ($65,0 \pm 2,4$ %) ва интенсивлик (ўртача $9,0 \pm 1,2$ дона) кумуш товон балиғида бўлганлиги исботланган;

паразитлар тарқалиш даражаси билан экологик омиллар ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, энг юқори мусбат корреляция: сув ҳарорати ($r=+0,78$; $p<0,01$) ва органик моддалар ($r=+0,69$; $p<0,05$) билан, кучсиз манфий корреляция: эриган кислород миқдори ($r=-0,62$; $p<0,05$), сув оқимининг тезлиги ($r=-0,55$; $p<0,05$) ва сув шаффофлиги ($r=-0,44$; $p<0,05$) билан боғлиқ бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларидаги балиқлар популяциясида 1+ ёш гуруҳининг доминантлиги (42,2%) популяциянинг табиий мослашиш жараёни барқарор эканлиги, 2+ гуруҳ (31,4%), 3+ (11,0%), 0+ (15,4%) ташкил этиши аниқланган;

сув ҳарорати балиқлар биологик ривожланишининг асосий омили эканлиги, тадқиқот ҳудудида ёз фаслида $22,0-25,0^{\circ}\text{C}$, қишда эса $4,0-7,0^{\circ}\text{C}$ гача пасайиши аниқланиб ҳарорат ошиши билан балиқлар ўсиш суръати тезлашиши асосланган;

паразитлар билан зарарланиш даражасини тоифалаш, хавфли ҳудудларни аниқлаш ва келгуси профилактик тадбирларни режалаштириш имкониятини берувчи экологик хавф харитаси тузилган;

Чирчиқ дарёсида гельминтозларнинг шаклланиши ва тарқалишига бевосита таъсир этувчи экологик омилларнинг (сув ҳарорати, кислород миқдори, органик моддалар, сув оқими тезлиги ва сув шаффофлиги) экстенсивлик ва интенсивлик моделлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларини олиб боришда қўлланган усулларнинг илмий жиҳатдан тан олинганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий натижаларга мослиги, тажриба натижаларининг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, тадқиқотлар натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, ҳар йили Тошкент давлат аграр университети Умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедраси йиғилишларида ҳисоботлар муҳокама қилинганлиги ва апробация комиссиясидан ўтказилганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларида чоп этилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқларнинг тур таркиби ва популяцион ҳолати, морфометрия кўрсаткичлари, ёш-гуруҳ таркиби ва жинсий етуклик даражаси, гельминтлар турлари ва уларнинг локализацияси, экологик хавф даражаси, паразитлар таъсирининг морфометрия ва биологик кўрсаткичларга таъсири ҳамда паразитлар билан экологик омиллар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида 6 турдаги балиқлар кумуш товон балиқ, зоғора балиқ, қизил кўз, оқ амур, оқ дўнгпешона балиқ, оқча ва 8 турдаги гельминтлар (*Diplostomum clavatum*; *Clinostomum complanatum*, *Dactylogyrus auriculatus*, *Rhipidocotyle illense*., *Bothriocephalus acheilognathi*; *Ligula intestinalis*, *Contracaecum squalii*, *Acanthocephalus anguillae*) аниқланганлиги, популяциянинг 15,4-42,2 %ни майда морфотипли (0+, 1+ гуруҳлар) турлар эгаллаганлиги, экологик хавф харитаси тузилганлиги, гельминтозларнинг шаклланиши ва тарқалишига кучли таъсир этувчи экстенсивлик ва интенсивлик моделлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда паразитар хатарларни камайтириш ва балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича амалий тавсиялар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқларининг морфо-биологик хусусиятлари ва уларга гельминтларнинг таъсири бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида етиштирилаётган сазан (*Cyprinus carpio*) балиқларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларига гельминтларнинг таъсири

ишланмаси Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани “HAMROZ XUJA FAYZ” МЧЖда 0,5 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 12 декабрдаги 05/06-04-926-сон маълумотномаси). Натижада, балиқчилик хўжалигида 8 330 дона зоғора балиғидан 1 116 донаси (13,4 %) турли гельминтлар билан зарарланиб, 18 тонна соф маҳсулот олинган ва рентабеллик 125 %.ни ташкил этган.

Туябўғиз сув омбори қафас балиқ хўжалигида етиштирилаётган карп (*Cyprinus carpio* L.) балиқларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларига гельминтларнинг таъсири ишланмаси Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Туябўғиз сув омбори қафас балиқ хўжалигида 0,5 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 12 декабрдаги 05/06-04-926-сон маълумотномаси). Натижада, балиқчилик хўжалигида 5 000 дона карп балиғидан 460 донаси (9,2 %) турли гельминтлар билан зарарланиб, 9,0 тонна соф маҳсулот олинди, рентабеллик даражаси 180 %.ни ташкил этган.

Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида етиштирилаётган оқ дўнгпешона балиқ (*Hypophthalmichthys molitrix*) ва оқ амур (*Ctenopharyngodon idella*) балиқларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларига гельминтларнинг таъсири ишланмаси Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани “XURSANALI OTA BALIQSHI” МЧЖ хўжалигига 1,0 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 12 декабрдаги 05/06-04-926-сон маълумотномаси). Натижада, балиқчилик хўжалигида 2 000 дона оқ дўнгпешона балиғидан 170 донаси (8,5 %) турли гельминтлар билан зарарланиб, 5,5 тонна соф маҳсулот олинди, рентабеллик 154 %.ни, 1500 дона Оқ амур балиғидан 138 донаси (9,2 %) турли гельминтлар билан зарарланиб, 4,0 тонна маҳсулот олинди, рентабеллик 125 %.ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот

муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунаси ва паразитлари бўйича адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва адабий манбалар шарҳланган. Бинобарин, Чирчиқ дарёси экогидрологик хусусиятлари, дарё ва ҳовуз балиқ турлари, биологияси ва тарқалиши, балиқлар гельминтлари ва уларнинг биологияси, балиқлар паразитларини ривожланишида экологик омилларнинг таъсири юзасидан таҳлил қилинган илмий маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот манбаси ва услуби”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказиш жойи ва иқлим шароитлари, тадқиқотнинг объекти ва ўтказиш услублари юзасидан маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобнинг **“Чирчиқ дарёси физик-гидрографик хусусияти”** деб номланган биринчи бўлимида асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг табиий-иқлим шароитлари бўйича маълумотлар ёритилган.

Ушбу бобнинг **“Ихтиологик тадқиқотлар услуби”** бўлимида тадқиқот объекти бўлган Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг ўрта ва қуйи оқимларида тарқалган асосий ихтиофаунани акс эттирувчи 6 турга мансуб балиқларни морфометриясини ўрганиш, уларнинг биологик ҳолати, ўсиш суръати, ёш-гуруҳ таркиби ва популяцион динамикаси ҳақида тўлиқ баён этилган.

Бобнинг **“Паразитологик услублар”** бўлимида Чирчиқ дарёси балиқларида гельминтларни аниқлашнинг классик ва замонавий паразитологик усуллари ва паразитлар тарқалишини экологик омиллар билан боғлиқлик хусусиятлари комплекс тарзда ўрганилган.

Диссертациянинг **“Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида ўрганилган балиқларининг морфо-биологик ва экологик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобидан бошлаб балиқ турларининг тур таркиби ва популяцион ҳолати, морфометрия кўрсаткичлари, ёш-гуруҳ таркиби ва жинсий етуклик даражаси ҳамда балиқлар биологик ривожланишининг экологик шарт-шароитлар билан боғлиқлиги юзасидан олиб борилган тажриба натижалари берилган.

Жумладан, ушбу бобнинг **“Балиқларнинг популяцион улуш ва асосий биотопи”** деб номланган бўлимида Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган балиқларнинг тур таркиби ва популяцион жойлашиши юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, Чирчиқ дарёси ихтиофаунаси таркиби ва популяцион ҳолати гидроэкологик шароитлар билан узвий боғлиқ бўлиб, тадқиқотлар натижасида дарёда асосан 6 та: зоғора балиқ, кумуш товон балиқ, қизил кўз, оқ амур, оқ дўнгпешона ва оқча балиқ турлари тарқалганлиги қайд этилди. Уларнинг тарқалиши сув оқими тезлиги, чуқурлик, сув ўсимликлари зичлиги ва озуқа базаси ҳолатига бевосита

боғлиқлиги исботланди.

Популяцион улушлар турга хос экологик ниша билан боғлиқ бўлиб, асосий биотопи дарёнинг сустоқим ва лойқаланган ҳудудларида кечадиган кумуш товон балиқ энг юқори улуш 29,7 %.ни, сув омборлари, оқим йўқ ҳудудда оқ дўнгпешона балиқ 27,3 % ва сунъий ҳавзалар, ёнма-ён каналларда оқ амур 16,3 % барқарор популяция ҳосил қилганлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Балиқларнинг айрим морфометрия кўрсаткичлари ва улар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик” деб номланган бўлимида Чирчиқ дарёсида тарқалган балиқ турларининг морфометрия кўрсаткичлари умумий ва стандарт узунлиги, оғирлиги, тананинг баландлиги, бош узунлиги, дум асоси узунлиги, постдорсал масофаси ва индекси асосий биологик мезон бўлиб, бу кўрсаткичлар балиқларнинг ўсиш суръати, физиологик ҳолати, озикланиш стратегияси ва экологик шароитларга мослашув даражасини аниқлаш имконини берди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, морфометрия натижалари балиқларнинг биологик ҳолати билан боғлиқ бўлиб, энг юқори ўсиш кўрсаткичлари оқ дўнгпешона балиғида ўртача узунлиги $54,0 \pm 1,4$ см, стандарт узунлиги $44,8 \pm 1,2$ см, бош узунлиги $9,4 \pm 0,3$ см, дум асоси баландлиги $6,3 \pm 0,2$ см, постдорсал масофаси $14,2 \pm 0,4$ см умумий вазни $3330,0 \pm 22,4$ гр ва Q/L индекси 61,7 га тўғри келиб, бу турнинг фитофаг бўлганлиги ва етарли озуқа ресурслари билан таъминланганлиги аниқланди.

Балиқлардаги “узунлик-вазн” индекси йирик биомасса тўпловчи турларда юқори (61,7), майда ва ўрта танали турларда эса нисбатан паст (24,0) эканлиги қайд этилди. Шунингдек, умумий узунлик ва вазн ўртасида кучли мусбат корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланиб, Пирсон коэффициенти $r=0,993$ ни ташкил этди.

Диссертациянинг “Ўрганилган балиқларнинг ёши ва жинсий етуклик даражаси” деб номланган бўлимида балиқларнинг ёш структураси, ўсиш суръати ва жинсий етуклик даражасини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, ўрганилган балиқлар йирик танали турлар - оқ амур (2+ ва 3+ ёш гуруҳлари жами 62,2 %) ҳамда оқ дўнгпешона (58,1 %) учун катта ёшли гуруҳлар устунлиги кузатилди. Бу уларнинг К-стратег турларга хос биологик хусусиятлари, яъни секин ўсиши, кеч жинсий етукликка етиши ва юқори индивидуал яшовчанлиги билан изоҳланади.

Жинсий етуклик даражаси сув ҳавзасининг экологик шароити билан боғлиқ бўлиб, майда танали турлар - қизил кўз ва оқча балиқлар 1+ ёшдаёқ жинсий етукликка етганлиги, йирик танали турлар - зоғора балиқ, оқ амур ва оқ дўнгпешона эса асосан 2+ ёки 3+ ёшда етукликка етиши аниқланди (1-жадвал).

Ўрганилган балиқларнинг ёш-гуруҳ таркиби таҳлил қилинганда, энг юқори улуш 1+ ёш гуруҳига (42,2 %) тўғри келиб, назорат овининг асосий ядросини ташкил этди. 2+ ёш гуруҳи (31,4 %) морфологик ривожланишнинг фаол босқичини, 0+ ёш гуруҳи (15,4 %) янги авлод ва бошланғич ривожланиш босқичини, 3+ ёш гуруҳи (11,0 %) эса жинсий етук ва репродуктив авлодни ташкил этди.

**Чирчиқ дарёсида учрайдиган балиқ турларининг ёш-гуруҳ таркиби
ва жинсий етуклик даражаси, 2023-2025 йй.**

№	Балиқ турлари	0+ (%)	1+ (%)	2+ (%)	3+ (%)	Жинсий етуклик улуши (%)	Эркак-урғочи нисбати	Етуклик ёши
1	Зоғора балиқ	12,4	38,6	34,1	14,9	62,0	1:1.2	2+
2	Кумуш тоvon	21,7	49,3	23,8	5,2	58,0	1:1.1	1+
3	Қизил кўз	19,5	52,1	24,0	4,4	55,0	1:1.0	1+
4	Оқ амур	9,1	28,7	41,5	20,7	71,0	1:1.4	3+
5	Оқ дўнгпешона	10,3	31,6	39,8	18,3	69,0	1:1.3	2+ , 3+
6	Оқча	16,9	46,3	29,7	7,1	57,0	1:1.2	1+ , 2+

Эслатма: 0+, 1+, 2+, 3+ - балиқларнинг ёш-гуруҳ (аге-класс) кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагича изоҳланади:

- 0+ - жорий мавсумда туғилган, яшаётган йилнинг биринчи даврида бўлган личинка ва ёш балиқлар;
- 1+ - бир йиллик балиқлар, биринчи қишни ўтказган, морфологик жиҳатдан шакллана бошлаган нусхалар;
- 2+ - икки йиллик балиқлар, актив ўсиш босқичида бўлган, кўп ҳолларда ярим етук ҳолатдаги нусхалар;
- 3+ - уч йиллик балиқлар, кўп турларда тўлиқ жинсий етукликка етиб келган, репродуктив фаол нусхалар.

Бу ёш кўрсаткичлари ихтиологияда балиқларнинг морфобиологик ҳолатини ва популяциянинг қайта тикланиш салоҳиятини баҳолаш учун қўлланилади.

Диссертациянинг “Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг гидрокимёвий кўрсаткичлар тебраниши” деб номланган бўлимида сув ҳарорати, кислород миқдори, минераллашув даражаси, оқим тезлиги, озиқ ресурсларининг мавжудлиги, биотоп хусусиятлари ва паразитлар юкламасининг бевосита ўсиш суръати, жинсий етукликка чиқиш ёши, семириш даражаси бевосита популяция барқарорлигини белгилайдиган асосий омиллар юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Балиқларнинг морфометрик кўрсаткичларига айрим гидрокимёвий омилларнинг станциялар бўйича таъсири таҳлил қилиниб, 2024 йил март ойида сув ҳарорати 10-15 °С, рН кўрсаткичи 7,0-7,3, аммоний ионлари миқдори 0,5-0,7 мг/л ва эриган кислород миқдори 8-9 мг/л эканлиги аниқланди. Август ойида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 24-29 °С, 7,5-7,7, 0,2-0,4 мг/л ва 3-5 мг/л ни ташкил этди. Ҳарорат ошиши билан сувдаги кислород миқдори камайиши ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик кузатилди.

Сувнинг оксигенация даражаси 5,2-10,3 мг/л оралиғида бўлиши фильтрациячи тур ҳисобланган оқ дўнгпешона учун қулай шароит яратиб, унинг 2+ ва 3+ ёш гуруҳларида интенсив ўсиш жараёнини таъминлаганлиги аниқланди.

Лойқаланиш даражасининг 30,0-42,0 НТУ гача ва паразитар юкламаларнинг 4,0-27,0 % гача ортиши натижасида планктон миқдори ҳамда карпсимон ва фильтрациячи турларда ўсиш суръатининг пасайиши кузатилди.

Диссертациянинг “Гельминтларнинг балиқларга таъсири ва паразитлар тарқалишининг илмий таҳлили” деб номланган тўртинчи бобида балиқларнинг гельминтлар билан зарарланиши, гельминтлар турлари ва уларнинг локализацияси, паразитлар таъсирининг морфо-биологик кўрсаткичларга таъсири, паразитлар билан экологик омиллар ўртасидаги корреляция таҳлили ва балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш ва паразит касалликларини камайтириш бўйича амалий тавсиялар берилган (2-жадвал).

Кузатув натижалари шуни кўрсатдики, гельминтлар билан зарарланиш даражаси ўрганилган балиқ турларида турлича кўрсаткичларда бўлиб, энг юқори экстенсивлик ($65,0 \pm 2,4$ %) ва интенсивлик (ўртача $9,0 \pm 1,2$ дона) кумуш товон балиқда, энг паст зарарланиш ($22,0 \pm 1,8$ %) оқ амур турларида аниқланди. Бу Чирчиқ дарёсида гельминтлар тарқалиши балиқларнинг экологияси, озикланиш тури ва биотоп шароитлари билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Кумуш товон тури ва *Dactylogyrus auriculatus* ($r=0,88$) ва *Diplostomum clavatum* ($r=0,91$) паразитлари ўртасида кучли корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. Бу ҳолат ушбу балиқ турининг сустоқим, ўсимликли, бентосга бой ҳудудларда яшаши ва паразитларнинг оралиқ хужайинлари билан кўп учрашиши натижаси сифатида изоҳланади.

2-жадвал


Чирчиқ дарёси балиқларининг гельминтлар билан зарарланиш даражаси (экстенсивлик ва интенсивлик), 2023-2025 йй.

№	Балиқ турлари	Текширилган нусха, дона	Зарарланган нусха, дона	Экстенсив-лик, Э (%)	Интенсивлик, И (дона/бош)	Аниқланган гельминтлар
1	Кумуш товон балиқ	$120,0 \pm 5,0$	$78,0 \pm 4,0$	$65,0 \pm 2,4$	5,0-14,0 (ўртача $9,0 \pm 1,2$)	<i>Dactylogyrus auriculatus</i> , <i>Diplostomum clavatum</i> , <i>Bothriocephalus acheilognathi</i>
2	Қизил кўз	$95,0 \pm 4,0$	$53,0 \pm 3,0$	$55,8 \pm 2,1$	3,0-10,0 (ўртача $6,0 \pm 0,9$)	<i>Diplostomum clavatum</i> , <i>Rhipidocotyle illense</i> .
3	Зоғора балиқ	$80,0 \pm 3,0$	$28,0 \pm 2,0$	$35,0 \pm 1,9$	2,0-7,0 (ўртача $4,0 \pm 0,6$)	<i>Dactylogyrus auriculatus</i> , <i>Ligula intestinalis</i>
4	Оқ амур	$50,0 \pm 2,0$	$11,0 \pm 1,0$	$22,0 \pm 1,8$	1,0-3,0 (ўртача $2,0 \pm 0,3$)	<i>Bothriocephalus acheilognathi</i>
5	Оқ дўнгпешона балиқ	$70,0 \pm 3,0$	$19,0 \pm 2,0$	$27,1 \pm 2,0$	1,0-6,0 (ўртача $3,0 \pm 0,4$)	<i>Clinostomum complanatum</i> , <i>Dactylogyrus auriculatus</i>
6	Оқча	$55,0 \pm 2,0$	$17,0 \pm 1,0$	$30,9 \pm 2,3$	1,0-4,0 (ўртача $2,0 \pm 0,3$)	<i>Contracaecum squalii</i> , <i>Acanthocephalus anguillae</i>
Жами		470	206	-	-	-

Диссертациянинг “Гельминтлар турлари ва уларнинг локализацияси” деб номланган бўлимида паразитларни жойлашиш ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган. Паразит турлари ва уларнинг локализацияси таҳлили шундан далолат бердики, жабраларда (*Diplostomum clavatum*; *Clinostomum complanatum*), кўз олмаси (*Dactylogyrus auriculatus*), жабра ва ичак (*Rhipidocotyle illense.*), ичакда (*Bothriocephalus acheilognathi*), қорин ва тана бўшлиғи (*Ligula intestinalis*), балиқ тана қаватлари (*Contracaecum squalii*, *Acanthocephalus anguillae*) паразитлар учун энг асосий ривожланиш жойи эканлиги аниқланди. Паразитлар локализациясининг турга хослиги уларнинг биологик адаптацияси муносабатлари кучли эканини исботлади.

Оқ амур ва қисман оқ дўнгпешона балиқ турлари тез оқимли, механик тозаланиш яхши амал қиладиган ёки оралиқ хўжайинлар кам бўлган сув қатламларида яшаши аниқланди. Бу экологик омиллар индекси ва гельминтлар тарқалиши орасида кучли мусбат кореляцион ($r=0,97$) боғлиқлик борлиги билан изоҳланади.

Эпидемиологик зарарланиш ва шартли экологик хавф даража шкаласи бўйича Чирчиқ дарёсидаги балиқлар қуйидагича гуруҳларга ажратилди: юқори хавф даражаси (I даража) зарарланиш 50 %дан юқори, экологик омиллар индекси 8-9 балл (кумуш товон балиқ ва қизил кўз); ўрта хавф даражаси (II даража) зарарланиш 30,0-40,0%, экологик индекси 5-6 балл (зоғора балиқ, қизил қанотли балиқ ва оқча балиқ); паст хавф даража (III даража) зарарланиш 30,0 %дан паст, экологик индекси 3-4 балл (оқ амур ва оқ дўнгпешона балиқ).



1-расм. Чирчиқ дарёсидаги балиқларнинг паразитланиш интенсивлиги (X) ва CF индекси (Y) ўртасидаги регрессия модели, 2023-2025 йй.

Диссертациянинг “Паразитлар таъсирининг морфо-биологик кўрсаткичларга таъсири” деб номланган бўлимида балиқларда қайд этилган гельминтозлар нафақат гистологик тузилишга, балки балиқларнинг ташқи морфометрияси, ўсиш суръати, биологик ривожланиши ва энергия алмашинувига таъсири этиши юзасидан тадқиқотлар ўтказилган.

Паразитлар таъсирининг морфометрия ва биологик кўрсаткичларга таъсири аниқланиб, интенсив зарарланиш бўлган популяцияларда ўртача вазн йўқотиш 8,0-17,0 %.га, ўртача узунлик эса 5,0-12,0 %.га пасайганлиги исботланди.

Паразитлар юклама билан CF (Conditon Factor) индекси ўртасида салбий ($r=-0,257$) корреляцион боғлиқлик аниқланди. Бу эса паразитлар балиқларнинг умумий физиологик ҳолатига таъсир кўрсатиб, озуқа энергия балансини бузилишига, морфофизиологик кучсизланишга ва паразитларга мойилликни ошишига шароит яратиши билан изоҳланади (1-расм).

Кумуш товон балиқ учун паразитланиш интенсивлиги ўртача $9,0 \pm 1,0$; CF индекси эса 1,20 оқ амурда интенсивлик $2,0 \pm 0,3$; CF индекси 1,35 тенглиги аниқланди. Паразитланиш интенсивлиги ва CF индекси ўртасида регрессия модели ишлаб чиқилиб, паразитлар сони кўпайган сари CF индекси камайиши исботланди.

3-жадвал

Чирчиқ дарёсида аниқланган паразитозлар экстенсивлиги ва гидроэкологик омиллар ўртасидаги боғлиқлик, 2023-2025 йй.

Гидроэкологик омил	Ўзгариш диапазони	Паразитоз интенсивлигига таъсири	Корреляция коэффиценти (r)	Ишонччилик даражаси
Сув ҳарорати	11,4-28,6 °C	Ҳарорат ошиши билан паразитлар сони ортиб бори	+0,78	$p < 0,01$
Органик моддалар (БПК ₅)	2,8-7,6 мгО ₂ /л	Органик ифлосланиш юқори участкаларда зарарланиш кучайди	+0,69	$p < 0,05$
Эриган кислород	4,2-9,1 мг/л	Кислород камайиши билан паразитозлар ортиши кузатилди	-0,62	$p < 0,05$
Сув оқими тезлиги	0,18-1,42 м/с	Тез оқимли участкаларда паразитлар кам учради	-0,55	$p < 0,05$
Сув шаффофлиги	18,0-74,0 см	Лойқаланиш ортиши билан паразитозлар кўпайди	-0,44	$p < 0,05$

Диссертациянинг “Паразитлар билан экологик омиллар ўртасидаги корреляция таҳлили” деб номланган бўлимида паразитлар тарқалиши экологик омиллар билан юқори даражада интеграциялашганлиги юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Кузатув натижаларида Чирчиқ дарёсида паразитлар тарқалиши экологик омиллар билан кучли даражада боғлиқ бўлиб, мусбат корреляция сув ҳарорати ($r=+0,78$, $r=+0,71$) ва органик моддалар ($r=+0,69$, $r=+0,64$) билан, кислород миқдори ($r=-0,62$), сув оқимининг тезлиги ($r=-0,55$) ва сув шаффофлиги ($r=-0,44$) билан манфий даражада боғлиқлиги аниқланди (3-жадвал).

Диссертациянинг “Балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш ва паразит касалликларини камайтириш бўйича амалий тавсиялар” деб номланган бўлимида Чирчиқ дарёсида балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш ва паразит касалликларини камайтириш учун тавсия этиладиган асосий чора-тадбирлар тизими келтирилган. Паразит касалликларини камайтириш ва балиқ ресурсларини муҳофаза қилишда экологик назорат, сув сифати мониторинги, балиқ соғлиги ва ветеринария тадбирлари, популяция ва биотопни тиклаш ва маъмурий-ҳуқуқий чоралар олиб борилиши натижасида паразит касалликларининг узок муддатли камайишига эришилди.

ХУЛОСАЛАР

“Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқларининг морфо-биологик хусусиятлари ва уларга гельминтларнинг таъсири” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Чирчиқ дарёси ихтиофаунаси таркиби ва популяцион ҳолати гидроэкологик шароитлар билан узвий боғлиқ эканлиги аниқланди. Тадқиқотлар натижасида дарёда асосан 6 та: зоғора балиқ, кумуш товон балиқ, қизил кўз, оқ амур, оқ дўнгпешона ва оқча балиқ турлари тарқалганлиги қайд этилди. Уларнинг тарқалиши сув оқими тезлиги, чуқурлик, сув ўсимликлари зичлиги ва озуқа базаси ҳолатига бевосита боғлиқлиги исботланди.

2. Балиқларнинг морфо-биологик кўрсаткичлари турларнинг экологик мослашув даражаси ва озуқа ресурслари билан таъминланганлигига қараб фарқланиши аниқланди. Энг юқори ўсиш кўрсаткичлари оқ дўнгпешона балиғида кузатилиб, бу ҳолат мазкур турнинг фитофаг хусусияти, юқори озуқа ўзлаштириш қобилияти ҳамда гидробиологик шароитларга яхши адаптацияланганлиги билан изоҳланди. Морфометрик таҳлиллар балиқ организмнинг физиологик барқарорлигини баҳолашда муҳим диагностик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

3. Балиқларнинг жинсий етилиш жараёни турнинг биологик хусусиятлари ва муҳит шароитига боғлиқ равишда кечиши аниқланди. Майда танали турлар (қизил кўз ва оқча) 1+ ёшда жинсий етукликка етган бўлса, катта танали турлар (зоғора, оқ амур ва оқ дўнгпешона) асосан 2+ ва 3+ ёшда жинсий етукликка эришиши қайд этилди. Бу ҳолат организм ўсиш суръати, энергетик ресурслар тақсимооти ва экологик омиллар билан боғлиқлиги билан изоҳланди.

4. Гидрокимёвий таҳлиллар сув муҳити параметрларининг мавсумий ва ҳудудий жиҳатдан ўзгарувчан эканлигини кўрсатди. Сув ҳарорати ошиши билан эриган кислород миқдорининг камайиши ўртасида тескари боғлиқлик аниқланди. Айниқса, ёз мавсумида сув ҳароратининг кўтарилиши ва кислород танқислиги балиқ организмларида физиологик стрессни кучайтириб, паразитлар билан зарарланиш хавфини ошириши кузатилди.

5. Чирчиқ дарёси балиқларида 8 та асосий паразит тури: *Dactylogyrus auriculatus*, *Diplostomum clavatum*, *Bothriocephalus acheilognathi*, *Rhipidocotyle illense*, *Ligula intestinalis*, *Clinostomum complanatum*, *Contracaecum squalii* ва *Acanthocephalus anguillae* аниқланди. Ушбу паразитларнинг ривожланиши ва

тарқалиши сув мухитининг гидроэкологик ҳолати, оралиқ хўжайинлар мавжудлиги ва балиқларнинг биологик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги исботланди.

6. Гелминтлар билан зарарланиш даражаси балиқ турлари ўртасида сезиларли даражада фарқ қилганлиги қайд этилди. Энг юқори экстенсивлик ва интенсивлик кўрсаткичлари кумуш товон балиқда аниқланган бўлса, энг паст кўрсаткичлар оқ амурда кузатилди. Бу ҳолат кумуш товон балиқнинг суст оқимли, органик моддаларга бой ва паразитларнинг оралиқ хўжайинлари кўп учрайдиган биотопларда яшаши билан изоҳланди.

7. Паразитлар тарқалиши ва экологик хавф даражаси ўртасидаги боғлиқлик асосида балиқ турлари эпидемиологик хавф гуруҳларига ажратилди. Кумуш товон балиқ ва қизил кўз юқори хавф гуруҳига киритилиб, уларда зарарланиш экстенсивлиги 50 % дан юқори эканлиги аниқланди. Зоғора ва оқча турлари ўрта хавф гуруҳига, оқ амур ва оқ дўнгпешона эса паст хавф гуруҳига мансублиги белгиланди. Бу ҳолат паразитларнинг тарқалиши биотоп хусусиятлари ва гидроэкологик омиллар билан бевосита боғлиқлигини кўрсатди.

8. Паразитлар таъсири балиқларнинг морфофизиологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Интенсив зарарланган популяцияларда умумий вазннинг 8,0-17,0 % га, тана узунлигининг эса 5,0-12,0 % га камайиши кузатилди. Шунингдек, паразитар юклама билан CF (Condition Factor) индекси ўртасида салбий корреляцион боғлиқлик ($r=-0,257$) мавжудлиги исботланди. Бу паразитлар озуқа энергия балансини бузиши, модда алмашинув жараёнларини сусайтириши ва физиологик барқарорликни пасайтиришини кўрсатди.

9. Паразитланиш интенсивлиги ва CF индекси ўртасида ишлаб чиқилган регрессия модели паразитлар сони ортиши билан балиқларнинг физиологик ҳолати ёмонлашишини тасдиқлади. Кумуш товон балиқда юқори паразитар юкламага нисбатан паст CF индекси кузатилган бўлса, оқ амурда паст паразитар юклама ва нисбатан юқори CF индекси қайд этилди. Бу паразитлар таъсири балиқ организмнинг энергетик ресурслари ва ўсиш суръатига бевосита салбий таъсир кўрсатишини исботлади.

10. Паразитлар тарқалиши билан гидроэкологик омиллар ўртасида статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлик аниқланди. Сув ҳарорати ва органик моддалар концентрацияси билан паразитоз экстенсивлиги ўртасида кучли мусбат корреляция, эриган кислород миқдори, сув оқими тезлиги ва сув шаффофлиги билан эса манфий корреляция қайд этилди. Бу ҳолат органик ифлосланиш, эвтрофикация ва кислород танқислиги паразитлар ривожланиши учун қулай экологик муҳит яратишини кўрсатди.

11. Олинган натижалар Чирчиқ дарёсида паразитозларнинг шаклланиши ва тарқалиши комплекс экологик жараён эканлигини тасдиқлади. Паразитлар нафақат балиқларнинг физиологик ҳолатига, балки популяцион барқарорлик ва ихтиофауна биохилма-хиллигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Шу муносабат билан гидроэкологик мониторингни кучайтириш, сув сифати назоратини такомиллаштириш, паразитологик профилактика ва биологик муҳофаза чораларини комплекс равишда жорий этиш зарурлиги асослаб берилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.08/2025.27.12.B.02.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ГУЛОМЖОНОВ ДАВРОН ДИЛШОДОВИЧ

**МОРФО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЫБ БАССЕЙНА РЕКИ
ЧИРЧИК И ВЛИЯНИЕ НА НИХ ГЕЛЬМИНТОВ**

**03.00.15 – Ихтиология
03.00.06- Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2026

Тема диссертации на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии под номером B2024.4.PhD/B1354.

Диссертация на соискание учёной степени доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора философии (PhD) размещён на веб-странице Научного совета (www.agrar.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz) на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)).

Научный руководитель: Сафарова Феруза Эргашевна,
доктор философии по биологическим наукам (PhD), доцент

Официальные оппоненты: Кузметов Абдулахмет Раймбердиевич,
доктор биологических наук, профессор
Абдуганиев Ойбек Абдухамидович,
доктор философии по биологическим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация: Национальный педагогический университет Узбекистана
имени Низами

Защита диссертации состоится на заседании разового Научного совета № PhD.08/2025.27.12.B.02.04 при Ташкентском государственном аграрном университете № 26» 09 2026 года в 10³⁰ часов. Адрес: 700140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под № 556944). Адрес: 700140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Здание Информационно-ресурсного центра Ташкентского государственного аграрного университета. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «11. 09» 2026 года.
(Протокол реестра № 1 от «11. 09» 2026 года).



Жамаил
М.А. Юлдашов
Председатель разового ученого совета
по присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

П.Р. Муллабоев
Учёный секретарь разового научного
совета по присуждению учёных
степеней, к.б.н., доцент

А.Э. Кучбоев
Председатель разового научного
семинара при разовом научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире виды рыб получили очень широкое распространение, и их количество зависит от географии, климата и водных экосистем каждого государства. «В настоящее время насчитывается более 34 тысяч видов ихтиофауны рыб, причем лидирующие позиции занимают Австралия (соответственно 5189 видов), Индонезия (5014 видов), Бразилия (4930 видов), Япония (4294 вида), Китай (3838 видов), Филиппины (3730 видов) и США (3133 вида). В водных бассейнах нашей республики выявлено 84 вида, при этом уровень их паразитарного заражения возрастает». В связи с этим комплексное изучение морфобиологических особенностей рыб, обитающих в водных бассейнах реки Чирчик, определение видового состава встречающихся у них гельминтов, степени зараженности и их зависимости от экологических факторов является актуальным.

В настоящее время в мире проводятся научные исследования, посвященные росту антропогенных факторов в речных бассейнах, загрязнению воды за счет промышленных и бытовых отходов, изменению гидрологического режима, а также росту паразитарных заболеваний среди рыб и борьбе с ними. В частности, в таких странах, как Китай, Индия, Индонезия, Вьетнам, Бангладеш, Филиппины, Южная Корея и Россия, разработаны и рекомендованы к производству методы изучения морфобиологии пресноводных рыб, оценки уровня паразитарной инвазии и разработки мер борьбы с ними, а также технологии аквакультуры (искусственного выращивания), морской аквакультуры и интенсивных, полуинтенсивных систем замкнутого водоснабжения.

В условиях нашей республики проводятся научно-исследовательские работы по изучению их развития, темпов роста, физиологического состояния и популяционной устойчивости рыб, а также по определению распространенности гельминтозов, уровня паразитарной инвазии и разработке мер борьбы с ними. В рамках стратегии Республики Узбекистан «Узбекистан — 2030» определены такие задачи, как «развитие и поддержка рыбной отрасли, рациональное использование естественных и искусственных водоемов, внедрение научно обоснованных методов и интенсивных технологий рыбоводства, а также эффективное использование потенциала существующих водоемов»², где одной из приоритетных целей поставлено увеличение объема производства рыбы до 500 тысяч тонн в течение двух лет. В связи с этим, развитие рыбоводства в стране, выявление современного состояния морфобиологических особенностей рыб речных бассейнов и видового разнообразия гельминтов, анализ путей формирования гельминтофауны, а также разработка научных основ профилактики гельминтозов рыб являются весьма актуальными задачами.

² <https://lex.uz/docs/8050769>

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 1 мая 2017 года № ПП-2939 «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью», Постановлении от 6 ноября 2018 года № ПП-4005 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбоводной отрасли», Постановлении от 13 января 2022 года № ПП-83 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбной отрасли», Постановлении от 18 августа 2023 года № ПП-281 «О мерах по совершенствованию порядка использования водоемов для нужд рыбного хозяйства, а также развитию объектов для рыболовства и прибрежного туризма», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Диссертационная работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан V - «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В зарубежных странах исследования морфо-биологических особенностей рыб и гельминтозов в основном посвящены изучению биологии, жизненного цикла паразитов рыб, а также их влияния на организм хозяина. В этих исследованиях широко освещены вопросы систематики, морфологии, таксономической классификации рыб, заражения нематодами и другими гельминтами (F. Moravec, 1994), а также проведено множество изысканий по экологии и физиологическим аспектам взаимоотношений в системе «паразит-хозяин» (C.R. Kennedy, 2009). Научные исследования, проведенные в Австралии, направлены на оценку заболеваний рыб, уровня паразитарной инвазии и их негативного воздействия на системы аквакультуры, что имеет важное прикладное значение (A.H. Weatherley, H.S. Gill, 1987).

В странах СНГ изучены гидрология рек и ее влияние на ихтиофауну (B.A. Кузнецов, 1980), изменение морфологии рыб в условиях загрязнения водоемов (Ж.С. Жадан, 1990), фауна, экология, эпизоотология паразитов рыб, а также закономерности распространения в естественных и искусственных водоемах (И.П. Белофастова, 2005; Е.П. Иешко, 2012), в развитии морфобиологии и паразитологии рыб (И.Е. Биховская-Павловская, 1985; Аниканова В.С., 2007; Бауэр О.Н., 1987; Г.В. Никольский, 1974).

В нашей стране проводились научно-исследовательские работы, посвященные фауне паразитов рыб речных бассейнов Кашкадарьинской области (Р.М. Караев, 1975), видовому составу, путям распространения, эколого-биологическим особенностям трематод позвоночных Узбекистана (Э.Б. Шакарбоев, 2009), гельминтам рыб семейства карповых (Cyprinidae) в северо-восточных водоемах Узбекистана (Ф.Э. Сафарова, 2017), распространению паразитов рыб в водоемах Ферганской долины (С.Б. Каримов, 2007; Э.Х. Нажмидинов, 2022). Также изучены фауна паразитов рыб водоемов Узбекистана и их экологические характеристики (Т.К. Курбонов, 2010), проведен экологический анализ качества воды реки Чирчик (Ф.

